Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти

2007 ЙИЛ, 29 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (11.045)

Баҳоси эркин нархда

## ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 28 НОЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ СЕРГЕЙ ИВАНОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, халқаро муаммолар борасидаги қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг 30 фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам бой — машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 284 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, савдо, энергетика, кончилик, металлургия, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир.

Саноатнинг электротехника, машинасозлик, самолётсозлик каби мураккаб тармоқларида ҳам алоқалар кенгаймоқда. Телекоммуникация ва дастурий таъминот, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида катта имкониятлар мавжуд ва уларни тўлиқ ишга солиш устувор вазифалар сирасидандир. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар каби соҳаларни қамраб олган. Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг, жорий йилда И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқади, устувор соҳаларни белгилайди.

Шу йил июль ойида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С. Иванов юртимизга Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ҳамраиси сифатида биринчи бор ташриф буюрган эди.

Қўшма комиссиянинг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида, шунингдек, "Ўзбекистон — Россия: стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги иқтисодий форумда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Россия ва Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА 28 НОЯБРЬ КУНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ ЎНИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банк-молия, савдо-саноат, кимё, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, божхона, фармацевтика, мебелсозлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари — Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат эканини, Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини алоҳида қайд этди.

*( Давоми 2-бетда).*

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВ 28 НОЯБРЬ КУНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў.Мавлонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов Навоий вилояти Ўзбекистоннинг йирик саноат минтақаси эканлигини, бу ердаги улкан саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Николай Кучерский, "Нуроний" жамғармаси Қизилтепа тумани бўлими раиси Қаҳҳор Асадов, Навоий давлат кончилик институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Муҳаббат Темирова, "Конимех" ширкат хўжалиги раиси Жакдулла Бўкаев, "Шамс-Навоий" корхонаси раҳбари Шавқиддин Жамолов мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А.БОБОЕВ,**
**Ё.УМАРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АСЛИДДИН РУСТАМОВ 28 НОЯБРЬ КУНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.**

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С.Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Қ.Алиқулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сардоба туман кенгаши раиси Қ.Одилов, Ховос туманидаги 6-умумтаълим мактаби директори Н.Бойтўраева, Гулистон тумани Деҳқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Д.Ҳайитова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва алтернатив асосда ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат шаклланганидан, сайлов тизимларимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда 2008 йилги Давлат бюджети кўрсаткичларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**●Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида «Суғурта фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясидаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

**●Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.**

**●Фарғона туманидаги Шоҳимардон қишлоғида янги телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Эндиликда абонентлар замонавий алоқа хизматлари, электрон почта ва Интернетдан фойдаланишлари мумкин бўлади.**

**●Республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали аукцион савдосида Жиззах шаҳридаги қурилиш ташкилоти маъмурий биноси ва омборхоналарини сотиб олган хусусий тадбиркор А. Эшмуродова қисқа фурсатда йигирмага яқин иш ўрнини очишга муваффақ бўлди.**

**●Қарши шаҳридаги «Эски масжид» театр-студиясида жаҳон мумтоз адабиёти намояндаси Софокл асари асосида саҳналаштирилган «Шоҳ Эдип» спектаклининг тақдимоти ўтказилди.**

**●Жиззах шаҳар прокуратураси, ИИБ ҳамда «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси»ни ўтказди. Унда қатнашган 30 та корхона ва ташкилот аҳолига ўзининг 100 га яқин иш ўринларини тавсия этди. Шу куни 89 киши иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча бўлғуси парламент сайловлари олдидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакатдаги барча дипломатик корпус ҳамда йирик халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари билан учрашди.**

**●Покистон давлати раҳбари Парвез Мушарраф армия бош қўмондони лавозимини тарк этди. Бугун у мамлакатнинг иккинчи беш йиллик муддатга сайланган Президенти сифатида қасамёд қилади.**

**● Кеча расмий Белград ва Приштин Косовонинг келгусидаги мақоми юзасидан ўтказилган музокараларда ўзаро келишиб ололмадилар. Бу борада музокараларда қатнашган Учлик воситачиларининг ҳам фикрлари бир-бирига тўғри келмади.**

**● Европа Иттифоқининг иқтисодиёт ва пул сиёсати масалалари бўйича комиссари Хоакин Альмониянинг билдиришича, 2004 йили Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирган Кипр ва Мальта 2008 йил 1 январдан ушбу ташкилотнинг ягона пул бирлиги —Евро муомаласига ўтишга тайёр.**

**●Эквадордаги олтин конларидан бирида рўй берган портлаш оқибатида 60 нафар кончи ер тагида қамалиб қолди. Ҳозирча ҳодиса сабаблари маълум эмас. Тахминларга қараганда, шахтада қолиб кетганларнинг муайян қисми жароҳатланган бўлиши ҳам мумкин.**

**●Кеча Германиянинг Берлин шаҳрида Грузия маъмурларининг талабига кўра Грузиянинг собиқ мудофаа вазири, мухолифат етакчиларидан бири Ираклий Окруашвили ушланди. Мавжуд қонунларга кўра Грузия 40 кун ичида Окруашвили бўйича барча айблов ҳужжатларини Германияга топшириши керак.**

**●Кеча Пекинда Хитой ва Европа Иттифоқи ўрнидаги ўнинчи саммити якунланди. Унга асосан ҳар икки томон ўртасидаги савдо алоқалари кўриб чиқилди.**

**●Биринчи декабрда БМТ Хавфсизлик Кенгаши расмий Теҳрон иштирокисиз Эроннинг ядро дастури бўйича саммит ташкил этмоқда.**

**●АҚШ собиқ Президенти Жон Кеннедининг укаси, сенатор Эдвард Кеннеди ўзининг мемуар асарини чоп этиш ҳуқуқини аукцион орқали саккиз миллион долларга пуллади. Қизиғи, ҳали асарнинг ўзи ёзилмаган. Олти кун давом этган аукцион савдоларида «Tweive» нашриёти енгиб чиқди. Мемуарнинг 2010 йилнинг кузида чоп этилиши режалаштирилмоқда.**

**●Филиппинда содир бўлган «Митаг» бўрони оқибатида олти киши ҳаётдан кўз юмди, юзлаб одамлар бошпанасиз қолди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, табиий офат оқибатида кўплаб йўлларни сув босган, минг гектардан зиёд экин майдонига зарар етган. Айни вақтда бўрон хуруж қилган ҳудудларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.**

**●Англияда ўтказилган «Кристис» аукционида Рус миллий музейининг бош директори Александр Иванов машҳур заргар Фаберже томонидан XX аср бошларида Ротшильдлар сулоласи учун тайёрланган соатли пасха тухумини 18,5 миллион долларга харид қилди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

●**ҲАМЗА** тумани ҳокимлигида маҳалла тизими фаолиятини янада яхшилаш чораларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари ва маслаҳатчилар иштирок этишди.

●**ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

●**ЮНУСОБОД** туманидаги 274-мактабда Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган Ўзбек тили ва адабиёти фани ойлиги якунларига бағишланган тадбир ўтказилди, турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган педагоглар тақдирланди.

●**КЕЧА** Замонавий санъат марказида ёшларнинг иқтидорини синовдан ўтказиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан уюштирилган «Келажак овози» кўрик-танловининг тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги финал босқичи ўтказилди.

●**ШАҲРИМИЗДА** «ОИТСдан сақланинг, ваъдангизни бажаринг» шиори остида ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида уюштирилган тадбир 1 декабрь— Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишланди.

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида Воҳид Ғаниев режиссёрлигида ўзбек киноусталари томонидан суратга олинган «Севги надир» бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Бош Қомусимиз — амал қилмоқда

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

**КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАР УСТУНЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, У ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ ҚУРИЛИШИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПИ ҲАМДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АСОСИЙ ҚОНУНИНИНГ 15-МОДДАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ҚОНУНЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ СЎЗСИЗ ТАН ОЛИНАДИ. ДАВЛАТ, УНИНГ ОРГАНЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ, ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА МУВОФИҚ ИШ КЎРАДИЛАР”, ДЕБ ЎРНАТИЛГАН.**

«Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, — дейди Президентимиз Ислом Каримов, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади». Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Конституциямизнинг 15-моддасида Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши белгиланган.

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврларга мўлжалланган бош принципиал қоидалар мустаҳкамланади ва бу қоидалар бевосита амал қилиб, бошқа қонун чиқариш ҳужжатларида очиб берилади ва аниқлаштирилади. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлсада, лекин Асосий Қонун доирасига сиғмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди. Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим. Конституциянинг Асосий Қонун сифатидаги аҳамияти, обрў-эътибори, барқарорлиги, унинг оддий қонунлардан фарқи шу билан белгиланади. Бир сўз билан айтганда Конституцияни қонунлар қонуни дейиш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Конституциясида Конституциянинг энг юқори кучга эгалиги, ҳамма қонунлардан устун туриши алоҳида эътироф этилган. Бунда фақат Конституциянинггина эмас, балки унинг асосида қабул қилинадиган қонунларнинг ҳам устунлиги ўрнатилади.

Юқоридаги принцип жамиятимизда қонунчилик ва ҳуқуқий-тартибот тантанасини англатади. Қонунчилик— бу қонунларнинг реаллигидан, жамиятда чинакам демократик муҳит ва ҳақиқий ҳуқуқий режим ўрнатилганлигидан далолат беради. Қонунчилик бу —давлат томонидан қонунлар тизимини жамият тараққиёти талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ва давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларга қатъи риоя этиш ва уларни оғишмай амалга оширишда намоён бўладиган давлат ва жамият ҳаётининг принципидир. Қонунчилик принципи қонунларнинг ҳамма учун истисносиз мажбурийлигини, ҳамманинг қонун олдида тенглигини, қонунларнинг ҳамма ерда бир хилда жорий қилинишини ҳам англатади.

Қонунчилик билан ҳуқуқий-тартибот бир-биридан фарқ қилади. Қонунчиликнинг мазмуни ҳуқуқий меъёрларга қатъий ва оғишмай риоя этишларда ифодаланса, ҳуқуқий-тартибот эса жамият аъзоларининг юриш-туришлари уларнинг субъектив ҳуқуқ ва бурчларига мувофиқ келишида акс этади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий-тартибот ҳуқуқий муносабатлар доирасида шу муносабатларнинг иштирокчилари ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишлари ва ҳуқуқий бурчларини бажаришлари натижасида вужудга келади. Демак, қонунчиликни амалга ошириш ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш воситаларидан бири бўлса, ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш эса, ўз навбатида қонунчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боис улар бир-биридан ажралмас бўлиши лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда Конституция ва қонунлар олдида ҳамма тенг даражада масъулиятга эга бўлиб, қонунлар ҳам ўз навбатида барчага баробардир.

Асосий Қонунда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб кўрсатилган. Давлат, унинг органлари, жамоат бирлашмалари Конституция ва тегишли махсус қонунлар асосида ташкил қилинади ва фаолият юритади. Улар Конституция ва махсус қонунларда белгиланган ваколатларнигина амалга оширадилар. Мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Юқоридагиларнинг биронтаси ҳам Конституция ва қонунлардан ташқари иш кўришга ҳақли эмас. Зеро, Конституция ва қонунларни четлаб ўтиш, уларнинг талабларини бузиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар учун эса махсус қонунларда тегишлича жавобгарликлар ўрнатилган, санкциялар белгиланган.

Асосий Қонуннинг 16-моддасига биноан, **“Мазкур Конституциянинг биронта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Биронта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”,** деган қоида мустаҳкамланган.

Демак, Конституциямизнинг ҳар бир моддаси ҳаётга татбиқ қилинаётганда халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин қилиниши зарур. Зеро, Конституциянинг ўзи халқ ва давлат иродасининг ифодасидир. Шунинг учун Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиши керак.

Конституцияга кўра биронта ҳам қонун ёки бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Чунки Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиб, у олий юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжатидир. Конституция ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ҳоказолар учун қонунчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Давлат органларининг барча қонунлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида чиқарилади ва унинг қоидаларига хилоф бўлмаслиги лозим.

Асосий Қонунимизга биноан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинадиган бўлди. Яъни шу мақсадда Конституциявий суд жорий қилинди. Бу орган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мос келишини текшириб туради. Конституциявий суднинг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари Конституциянинг 108-109-моддаларида белгиланган.

Шундай қилиб, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади”.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти**

## МИСР МАТБУОТИ:

# «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА»

Миср Араб Республикасининг (МАР) жамоатчилик ва илмий доиралари, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришларга бўлган қизиқиши тобора кучайиб бормоқда.

Мисрдаги нуфузли нашрлардан бири — «Абулҳаул ад-Давлия» газетаси ўз саҳифаларида Президент Ислом Каримовнинг мамлакат мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девони қўшма мажлисида сўзлаган маърузасининг тўлиқ матнини араб тилида чоп этди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари ҳақидаги «Қонун билан кафолатланган» сарлавҳали мақола ҳам ушбу нашр саҳифаларидан жой олди.

Шу кунларда Мисрда Қоҳира университети Иқтисодиёт ва сиёсий фанлар факультетининг Осиё тадқиқотлари маркази томонидан ташкил этилган «Марказий Осиё ва халқаро рақобат» мавзуига бағишланган илмий конференция ўз ишини якунланди.

Тадбирда Миср Араб Республикасининг расмий ва илмий доиралари вакиллари, жумладан, Марказий Осиё бўйича мисрлик экспертларнинг катта гуруҳи, мамлакатдаги олий ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан сиёсатшунос ва мутахассислар Марказий Осиё мамлакатларида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнини холисона баҳолашар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар жараёнларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Улар минтақанинг янги мустақил давлатлари ўтиш даврида чегара, иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолиши, кадрлар тайёрлаш, миллий тиллардан фойдаланишга доир ва бошқа кўплаб мураккаб вазифаларга тўқнаш келганлигини таъкидлашди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 16 йили даврида бу муаммоларни муваффақият билан енгиб ўтди.

— Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўз миллий менталитетини, анъана ва маданий қадриятларини сақлаб қолгани баробарида мустақиллик йиллари мобайнида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди, — деди ўз маърузасида мисрлик эксперт Муҳаммад Сайид Салим.

Шунингдек, олимлар — Олим Жобир Аваз ва Аҳмад Рашидий Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади. Улар Ўзбекистон қулай геостратегик жойлашуви, бой табиий заҳиралари, ривожланган саноати ва қишлоқ хўжалиги, бебаҳо маданий-маърифий мероси ҳамда улкан сайёҳлик салоҳияти туфайли минтақанинг етакчи мамлакати ҳисобланишини таъкидладилар.

Конференцияда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино каби жаҳон ва ислом цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган машҳур олимлар ва мутафаккирларнинг ватани эканлигини ҳам алоҳида қайд этишди.

**«Жаҳон» АА**
**Қоҳира**

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

*( Давоми. Боши 1-бетда).*

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса ушбу кўрсаткич 2 миллиард 951,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Улар орасида «Петромарузгаз» (кимёвий маҳсулотлар), «Вим-Билль-Дан-Тошкент» (сут маҳсулотлари), «Балтимор-Челак» (консерва), «Элимпекс» (тўқимачилик), «Электроизолит» (қурилиш материаллари) каби корхоналар айниқса муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда, мамлакатларимиз ўртасида ёқилғи-энергетика тармоғи инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини етказиб бериш борасида ҳамкорликда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Россиянинг “Лукойл” компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилояти ҳудудидаги “Хаузак” конида табиий газни қазиб олиш лойиҳасининг амалга оширилаётгани бунга ёрқин мисолдир. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.

Мажлисда томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доираларининг “Ўзбекистон — Россия:стратегик ҳамкорлик” мавзуидаги иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар, молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Россиянинг “Лукойл”, “Газпром”, Ташқи иқтисод банки каби йирик компания ва банк-молия муассасалари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Россиялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда ишбилармонлар икки мамлакатнинг авиасаноат, машинасозлик, нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги, мудофаа ва хавфсизлик, кончилик, банк-молия, фан-таълим каби соҳаларида алоқаларни янада кенгайтириш ва Россия компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида фойдаланиладиган ва қабул қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқни ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан “Бирлашган авиасозлик корпорацияси” очиқ акционерлик жамияти ўртасида мазкур жамиятнинг ва «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятининг интеграция механизмини мувофиқлаштириш тўғрисидаги меморандум, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан “Стройтрансгаз” очиқ акционерлик жамияти ўртасида Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасини ташкил этиш орқали Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчи қурилмани барпо этиш бўйича сармоявий лойиҳани амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерал божхона хизмати ўртасида давлат чегаралари орқали ўтадиган товар ва транспорт воситалари юзасидан олдиндан ахборот алмашишни ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлиси якунлари бўйича протоколлар имзоланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди С.Иванов журналистлар билан учрашувда. — Бунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг тобора ортиб бораётганини, энергетика, фазовий тадқиқотлар, инновациялар, таълим, гуманитар, маданият соҳаларидаги алоқаларнинг, айниқса, ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бугунги кунда Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам вагонларнинг, айниқса, юк вагонларининг етишмаслиги маълум. Шу боис келгусида ҳамкорликда темирйўл вагонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона очиш борасида фикрлашдик. Айни вақтда ўзаро ҳамкорликда йирик ва икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Бугун имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**



# ХАЙРЛИ АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИДА ЁШЛАРНИНГ ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ, АЪЛО ЎҚИШЛАРИ, ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛИБ КАМОЛ ТОПИШЛАРИ УЧУН МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЖОИЗ.**

Жумладан бирлашма Кенгаши томонидан ёшларни касаба уюшмалари ҳаракатига жалб этиш ҳамда аълочи ва жамоатчи талабаларни рағбатлантириш мақсадида 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда пойтахтдаги олий ўқув юртларининг бир гуруҳ аълочи ва жамоатчи талабаларига «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топшириб келинмоқда. Кези келганда айтиш жоизки, ушбу эътибор талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотиб, ҳозиргача 120 нафардан зиёд талаба мазкур гувоҳноманинг соҳиби бўлдилар. Яқинда бирлашма Кенгашида ўтказилган тадбирда олий ўқув юртларининг беш нафар аълочи, жамоатчи талабаларига гувоҳномалар ва коллежларнинг аълочи, фаол талабаларидан беш нафарига эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов талаба-ёшларни қизғин табриклаб, уларга эзгу ниятларини билдирди. Тадбирда сўзга чиққан талабалар ҳам кўрсатилган эътибордан мамнунликларини билдириб, аъло ўқишлари, жамоат ишларида фаол қатнашишлари билан билдирилган ишончни оқлашларини баён этдилар.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

**СУРАТДА: шаҳар касаба уюшмалари бирлашмаси кенгашининг стипендиатлари.**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## Иқтисодиёт

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР АСОСИДА

**ЧЕТ ЭЛЛИК ШЕРИКЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАБ, УЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Ички бозорда ўз ўрнига эга бўлган пойтахтимиздаги «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турлари ортиб бормоқда. Бунинг асосий боиси Россиянинг электротехника маҳсулотлари тайёрлаш бўйича етакчи саналган «Группа компаний—Электрощит ТМ-Самара» ёпиқ акциядорлик жамияти киритган инвестициялар асосида бир неча йилдан буён корхона цехларини қайта техник жиҳозлашга муваффақ бўлинганидир. Цехларга хориждан келтириб ўрнатилган юксак унумли замонавий технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда юқори ва паст вольтли электр ускуна ҳамда жиҳозлари, халқ истеъмоли товарларининг харидоргир, бозорбоп турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилиб, буюртмалар тез ва соз адо этилади. Барча маҳсулотлар сертификатга эга бўлиб, улар республикамиз ҳамда Россия Федерацияси етакчи синов марказларида синовдан ўтади. Айни пайтда корхонанинг 60 фоиздан зиёд маҳсулоти мамлакатимиз бозорини таъминлаётган бўлса, қолган қисми Қозоғистон, Россия давлатларига етказиб берилмоқда. Келгуси режаларга кўра эса экспорт ҳажмини 2010 йилгача 80 фоизга кўпайтириш кўзда тутилган. Албатта, янги цехларнинг тўла жиҳозланиб иш бошлаши натижасида ишчи-хизматчилар сафи ҳам кенгаяди. Энг асосийси, бу ерда меҳнат қилаётган жамоа аҳли учун яхши иш ҳамда қулай дам олиш шароитлари яратилган.

Бозор талаблари асосида изланаётган корхона тадбиркорлари ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланар экан, унинг самараси кун сайин харидори ортиб бораётган сифатли маҳсулотларда намоён бўлмоқда.

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА 28 НОЯБРЬ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — ШВЕЙЦАРИЯ ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда икки мамлакатнинг ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар, банк-молия, инвестиция, саноат, туризм, соғлиқни сақлаш каби соҳалари бўйича вазирликлари, идоралари, компания ва муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов мамлакатимиз билан Швейцария Конфедерацияси ўртасида кўплаб соҳалар сингари савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бунда ҳукуматларимиз ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Швейцариянинг иқтисодиёт бўйича Давлат котибиятининг ривожланиш ва ҳамкорлик дирекцияси раҳбари Йорг Ал.Рединг Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида банк-молия, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорлик айниқса изчил ривожланмоқда.

2006 йилда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 64,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан олти баробар ўсди.

Мамлакатимиздан Швейцарияга асосан пахта толаси, ип газлама, калава ҳамда айрим хизмат турлари экспорт қилинади. Швейцариядан эса юртимизга электр, механик ва технология жиҳозлари, асбоб-ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари келтирилади.

Айни пайтда Ўзбекистонда швейцариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган 94 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Швейцариянинг 32 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Тадбирда швейцариялик ишбилармонлар мамлакатимиздаги кенг кўламли иқтисодий ўзгаришлар — соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар, хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва юртимизнинг иқтисодий салоҳияти билан таништирилди.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, мазкур йўналишдаги янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Швейцариянинг юксак иқтисодий салоҳияти ва имкониятларининг янги қирраларини кашф этиш ва ишга солиш юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини, қўшма корхоналар ва маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича таклифлар билдирилди, ҳамкорликнинг истиқболли режалари белгилаб олинди.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОЧИЛАР УЙИДА МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА ЖЎНАБ КЕТАДИГАН ПОЙТАХТЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА, ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, ИЧКИ ИШЛАР ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИКЛАРИ ҲАМДА БОШҚА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Унда истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори муқаддас диний қадриятларимиз ҳам қайта тиклангани, юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлаётганлари алоҳида таъкидланди. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этиб келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусовнинг маълум қилишича, бу йил муборак ҳаж сафарига отланган ҳамюртларимизнинг дастлабки гуруҳи 2 декабрь куни эрталаб Саудия Арабистонига жўнаб кетади. Уларнинг муборак сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Бобом Мусомуҳаммад Раҳматиллаев муборак ҳаж зиёратига боришни бир умр орзу қилиб ўтди, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи Носир Ҳакимжонов. — Шукрки, истиқлолимиз шарофати билан минглаб ватандошларим қатори мен ҳам муборак ҳаж сафарига отланяпман.

Учрашувда ҳамюртларимизга ҳаж амалларини адо этишлари учун тегишли тавсиялар ва белгиланган бошқа тартиб-қоидалар ҳақида тушунтиришлар берилди.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**ЧЕТДАН, ЯЪНИ ХОРИЖ БОЗОРИДАН ХАРИДОР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ—ЗАМОНАВИЙ ЛИНИЯЛАР ҚУВВАТИДАН, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР МАҲОРАТИДАН, СИФАТЛИ ХОМАШЁДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШГА ЭРИШИШДИР.**

Пойтахтимизда ўз фаолиятини йўлга қўйиб,160 нафардан зиёд маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаган «ШАХ-ТЕКСТИЛ» хорижий корхонаси ҳам Англия, Туркия ва Италия мамлакатлари фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий линия, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган. Илк босқичда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси киритилган ушбу жамоада жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрланиб, улар Европа давлатларига экспорт қилинмоқда. Цехларда маҳаллий хом ашёлардан тўқилаётган пайпоқлар турлари харидор дид ва талабига кўра ортиб бормоқда. Ҳозирда йилига 3 миллион жуфтдан зиёд хилма-хил пайпоқ маҳсулотлари буюртмачилари етказиб берилмоқда.

Тадбиркорларнинг маҳсулотларига Россия, Қозоғистон ва бошқа қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар кўпаймоқда. Шу боис ҳам келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яна ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари яратиш учун саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Корхонада маркетинг ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ташқи бозорни тинмай ўрганиш асосида маҳсулотларига четдан харидорлар топишда муҳим ҳисса қўшмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**




№10 (182) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

# ҚОНУНЛАР — ИШ МЕЗОНИМИЗ

**МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛДИДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНИНГ БОЙЛИКЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ, АСРАШ КАБИ УЛКАН ВА ОЛИЖАНОБ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ. БУ БОРАДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЎНЛАБ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН. ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЎЗИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИГА, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚАРОРЛАРИГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИГА ТАЯНИБ ИШ КЎРАДИ.**

Маълумки сўнгги йилларда экология сўзи жуда оммавийлашиб кетди. Ҳозирги кунда атроф-муҳитнинг номақбул ҳолати ҳақида гапирилганда бу сўз тез-тез тилга олинади. Экология атамасини фанга биринчи марта немис биологи Эрнест Геккен киритган. Экология сўзи ўз мазмунига кўра, уй ҳақида ва ўзининг яшаш жойи ҳақидаги фан деган маънони англатади.

Табиатнинг ёмонлашуви, сув манбаларининг ифлосланиши, ўрмон дарахтларининг кесилиши каби ҳолатлар инсоният олдига атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш бўйича режа тадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини амалга ошириш каби вазифаларни қўяди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50, 54, 55-моддаларида қайд этиб ўтилган. Хусусан 50-моддада «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилади. 54-моддада эса мулкдорлар мулкига ўз хоҳишига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт эканлиги кўрсатилган.

55-моддада ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги қайд этилган.

Президентимиз Ислом Каримов экологик муаммолар хусусида сўз юритиб, «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг муаммосига айланган», деган эдилар. Бу ерда экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эгалиги таъкидланмокда.

Табиатни муҳофаза қилиш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгилаб берилган. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экологик тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу қонуннинг моҳияти сувга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувнинг булғаланиши, ифлосланиши, камайишидан, сувни зарарли таъсирлардан сақлаш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

1993 йил 7 майда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида қонун қабул қилинган. Бу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш эстетик нуқтаи назаридан миллий бойлик ва халқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуаларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

2000 йил 25 майда қабул қилинган экологик экспертиза тўғрисидаги қонунда асосан мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш кўзда тутилган. Режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф-муҳит ҳолатига ва фуқароларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигига қараб иш юритиш лозим бўлади.

**Дилдора СУЛТОНОВА,**
**давлат нозири**

# САЛОМАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

**ИНСОН УЧУН УНИНГ САЛОМАТЛИГИДАН ҚАДРЛИРОҚ НАРСА БЎЛМАСА КЕРАК. САЛОМАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ ЭНГ АВВАЛО ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ. АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТОЗАЛИГИ, ҲАВОНИНГ БЕҒУБОРЛИГИ СОҒЛИҒИМИЗ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. АТРОФИМИЗГА БИР НАЗАР ТАШЛАСАК, БУНГА НЕЧОҒЛИК АМАЛ ҚИЛАЁТГАНЛИГИМИЗНИ КЎРАМИЗ.**

Табиатни муҳофаза қилиш инсонни муҳофаза қилиш демакдир. Шу боис ҳам табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқлик масаласи бугунги кунда улкан моҳият касб этади. Аммо она табиатга бўлган бугунги муносабатимизни қандай баҳолашимиз мумкин? Олтин куз фасли келиб, атроф-муҳитга ўзининг олтин либосини кийгизади. Сўнг қиличини кўтариб қиш келади. Табиийки, шаҳримиздаги кўп қаватли уйларнинг томини битум билан таъмирлаш ишлари бошланади. Қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёқилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари юз бермоқда. Бу эса атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилинмаганлигидан далолат беради ва «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига зид ҳолат эканлигини билдиради. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятларини бажармаганликларидан далолат беради. Яъни чиқиндиларни чиқаришни ҳамда уларнинг зарарли физикавий таъсирини камайтириш чора-тадбирлари қўрилмаганлиги текширувлар давомида аниқланди. Бу ҳолат шаҳримизнинг ҳамма уй-жой мулкдорлари ширкатларида қайтарилмаслигини, қонунбузарликка йўл қўйилмаслигини истар эдик. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг нозирлари атроф-муҳитга зарар етказилаётганини аниқлаб тозалаш билан кифояланмай, экологик соҳа бўйича тарбиявий тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришни йўлга қўйишган. Айниқса, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳаллалар ҳамда мактабларда ўтказилган суҳбатлар ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишувига кўра 2003 йил 1 майдан бошлаб мамлакатимизда атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари жорий этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорга кўра, қайси идорага мансублиги мулкчилик шакли ва хўжалик фаолиятидан қатъи назар атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар табиий муҳитнинг ифлослантирилганлиги ва чиқинди ташланганлиги учун компенсация тўловлари тўлайди. Компенсация тўловларининг ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 кунигача тўланиши белгиланган. Бу қарорни барча ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари ўз вақтида бажаришларини кутиб қоламиз.

**Орзиқул ТУРОБОВ,**
**давлат нозири**





Кузги олтин ранг япроқлар хиёбону боғларга гиламдек тўшалиб, ўзгача файз киритган.

*Жаримачилар*

# ҚОИДАБУЗАРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИШДИ

**2007 ЙИЛ НОЯБРЬ ОЙИДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИКЛАРИ УЧУН ЖАМИ 67 НАФАР МАСЪУЛИЯТЛИ ХОДИМЛАРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ. НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН СОЛИНГАН ЖАРИМАЛАРДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ МИСОЛ ТАРИҚАСИДА КЕЛТИРСА БЎЛАДИ:**

- Юнусобод туманидаги «ЎзБАТ» ХЖКК транспорт бўлими бошлиғи Н.Якименко автотранспортдан ифлослантирувчи зарарли газларнинг меъёридан ортиқ ҳавога чиқарилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 87/1 моддасига асосан 55900 сўм жаримага тортилди.
- Чилонзор тумани, 6-мавзе, 46-47-уйлар оралиғида тўпланиб олиб кетилмаган хазонларни ёқиб атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантирганлиги учун фуқаро М.Бозорова Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 88/3 моддасига асосан 55900 сўм жаримага тортилди.
- Бектемир туманидаги «ЕМЕК Иншоот» масъулияти чекланган жамияти ишчиси С.Ҳамидов ўсимлик қолдиқлари, баргларни ёқиб юборганлиги ва атмосферани зарарли моддалар билан ифлослантирганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88/1 моддасига асосан 74500 сўм жаримага тортилди.
- Ҳамза туманидаги «ФАРМ ГЛАСС» корхонаси бош энергетиги Н.Ортиқов ишдан чиққан люминисцент лампаларнинг утиллаштирилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1 моддасига асосан 37000 сўм жаримага тортилди.

*Шифобахш ўсимликлар*

# ГУЛХАЙРИ

**ГУЛХАЙРИ — ҒЎЗАДОШЛАР (ГУЛХАЙРИЛАР) ОИЛАСИГА МАНСУБ БИР ЙИЛЛИК ВА КЎП ЙИЛЛИК ЎТЛАР ТУРКУМИГА КИРАДИ. МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ГУЛХАЙРИНИНГ БИТТА МАДАНИЙ ВА 7 ТА ЁВВОЙИ ТУРИ МАВЖУД.**

Гулхайрилар аксарият тўқайларда, суғориладиган майдонларда, сой, жилға бўйларида, тоғларнинг ёнбағирларида, экинлар орасида, шунингдек майда шағалли, тошлоқ ерларда ҳам учрайди. Гулхайри республикамизнинг кўпгина вилоятлари, жумладан, Фарғона водийси, Тошкент, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор туманларида ўсади.

Гулхайрининг бўйи 60-180 сантиметр бўлиши мумкин. Пояси тик, кўп шохланмаган, гуллари тўғри, 5 бўлакли, икки жинсли, поянинг юқорисидаги барглар яхлит, тухумсимон, ўрта ва пастки қисмидаги барглар уч, беш бўлакли бўлиб, поялари кетма-кет жойлашган. Гуллари пушти, оқ, баъзи турлариники оч бинафша рангли, асоси сариқроқ бўлиши мумкин, улар барг қўлтиғига, поя ва шохчалари учига жойлашади. Ўсимлик июнь-августда гуллаб, июль-сентябрда уруғлайди.

Гулхайри ўсимлигининг таркибида жуда кўп фойдали моддалар бор. Чунончи, гулхайрининг илдизида 35 фоизгача шиллиқ моддалар, 37 фоизгача крахмал, 16 фоизга яқин қанд, аспарагин, пектин, ёғ, 4,9 фоиз атрофида минерал тузлар мавжуд. Ўсимликнинг барг ҳамда гулларида 0,02 фоизга яқин қаттиқ эфир мойи, каротин, витамин С, илдизлардагига қараганда икки марта кам шиллиқ моддалар бор.

Гулхайри қадим замонлардан бери шифобахш ўсимлик сифатида ишлатилиб келинади.

Абу Али ибн Сино гулхайри илдизидан, баргидан ва уруғларидан тайёрланган дамлама билан йўтал, қон тупуриш, зотилжам ва буйрак касалликларини даволаган. Буюк табиб гулхайри илдизи асосида тайёрланган дори-дармонларни кўкракни юмшатувчи, балғам кўчирувчи омил сифатида тавсия этган.

Гулхайри гул тожбаргларидан тери, шойи ва жун матоларни бўяшда фойдаланилади. Чунки гулхайри гулбарглари ўзида қизил, зангори ҳамда бинафшаранг бера оладиган мальвидин пигментини сақлайди. Гулхайри илдизидан клейстер тайёрлаш, ўсимликнинг поя ва шохчаларидан аъло сифатли қоғоз ҳамда арқонлар тайёрлаш мумкин. Гулхайри гуллари боларилар учун яхши озиқ ҳисобланади.

Доривор гулхайрининг илдизи одатда кузда ёки эрта баҳорда кавлаб олиниб, дағал илдизпоя ва майда илдизчалардан ажратилади-да зудлик билан сув оқимида ювиб олинади (илдиз шиллиқланмаслиги учун). Шундан сўнг очиқ ҳавода қуритилади.

Уй шароитида гулхайри илдизидан қуйидагича дамлама тайёрлаш мумкин: бирорта идишга 2 стакан миқдорида қайнатиб совутилган сув қуйилади ва унинг устига 4 чой қошиқ майдаланган илдиздан солиб, 8 соат давомида қўйиб қўйилади. Сўнгра сузиб олиб, шарбатидан кунига 3-4 маҳал ярим стакан миқдорида ичилади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, гулхайри каби ўсимликларни экиб кўпайтириш, улар билан сўлим оромгоҳ, хиёбон ва гулзорларни безаш лозим. Чунки гулхайри ниҳоятда жозибали ва фусункор бўлиши билан бирга у ангагина беор ва умрибоқий ўсимликлардан ҳисобланади.

*Таълим*

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА. УШБУ ҲУЖЖАТ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ УЧУН ҲАМ МУҲИМ ЙЎРИҚНОМА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада жонлантириш билан боғлиқ таълимий жараёнлар ҳам давом эттирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари иқтисодиёти ва менежменти, социологияси, психологияси мутахассисликлари бўйича магистратура бўлимларини очишга киришилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Бундан ташқари ўқув-нашриёт мажмуасини ташкил этиш, уни зарур замонавий матбаа техникалари билан жиҳозлаш ҳам малакали ёш мутахассислар тайёрлашда амалий восита бўлиб хизмат қилади.

# БОЙ ИЛМИЙ ТАЖРИБА

**БУГУНГИ КУНДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИДА ҲАМ ЎЗБЕК, РУС ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН ТАЛАБАЛАРГА ПУХТА БИЛИМ БЕРИЛМОҚДА.**

Шу сабабли ҳам «Ўзбекистон нофилологик олий ўқув юртларида тиллар ўқитишнинг долзарб муаммолари» деб номланган республика илмий-амалий конференцияси айнан шу университетда ўтказилди.

Ушбу анжуман дастури бўйича тингланган маърузаларнинг аксарияти мазкур олий ўқув юрти профессорлари ва ўқитувчилари томонидан тайёрланди. Профессорлардан Г.Охунова, Т.Ҳамдамов, Ш.Қориеваларнинг чиқишларида ўзбек, рус ва чет тилларни ўқитишда орттирилган бой тажрибалар умумлаштирилди.

«Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига рус тили ўқитилиши», «Ўзбек тилини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари» деган шўъбаларда ҳам университет вакиллари фаол иштирок этдилар.

# ФАН ОЙЛИГИ ҒОЛИБЛАРИ

**«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ТУРКУМИДАГИ ФАНЛАР ОЙЛИГИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ. БУНДАЙ МАЪРИФИЙ ТАДБИР ПОЙТАХТ МАКТАБЛАРИДА ҲАМ КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРДИ.**

Юнусобод туманидаги билим ўчоқлари педагогик жамоалари бу фан ойлигида ўз маҳоратларини кўрсатдилар. «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг сифатли дарс ишланмаси», «Энг мукаммал дарс ишланмаси» танлови бўйича уюштирилган очиқ дарсларда ўқувчиларга пухта билим берилди. Рефератлар, буклетлар, макетлар танловида бир неча моҳир ўқитувчи муносиб тақдирланди.

Фан ойлигида 9, 43, 97, 253 ва 248-мактаблар муаллимлари «Энг яхши тўгарак учун», «Энг яхши дарс ишланмаси учун», ««Энг яхши кўргазмали қуроллар учун», «Энг яхши тарқатма материаллари учун», «Энг долзарб ёзилган рефератлар учун» номинацияларида ғолибликни қўлга киритдилар.

*Тиббиёт*

# ЯНГИ АВЛОД ФАРМАЦЕВТЛАРИ

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ ЎЗИНИНГ 70 ЙИЛЛИК ТАРИХИГА ЭГА. 1937 ЙИЛДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН БУ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ МАМЛАКАТИМИЗДА ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛАЁТГАН ИЛМ-ФАН ДАРГОҲИ СИФАТИДА ЯХШИ ТАНИЛГАН.**

Институт Тошкент Тиббиёт институтининг фармацевтика йўналишига доир кафедралари негизида ташкил топди. Доривор ўсимликларни саноат асосида кўпайтириш, янги авлод фармацевтикасини ривожлантириш заруряти билан бу ерда агроэкология ва биотехнология ихтисосликлари йўлга қўйилди.

Йиллар ўтиши билан олий ўқув юртининг ўқув тизими такомиллаша борди. Янги ихтисосдаги кадрлар тайёрлаш тадбирлари кўрилди. Истиқболли ўқув режалари яратилди.

Ҳозир биотехнология, саноат фармацияси, клиник фармация, косметика каби факультетлар мавжуд. Уларда фаолият кўрсатаётган 20 га яқин кафедра томонидан йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда.

«Дори стандартлари» илмий марказининг очилиши дори-дармонларнинг сифат назоратини олиб бориш имконини бермоқда. Бу марказ хорижий давлат мутахассислари билан ҳамкорликда иш кўрмоқда.

Олий ўқув юрти олимлари томонидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан таълим жараёнларида кенг фойдаланилмоқда. «Фармакогнозия» дарслиги эса энг яхши ўқув адабиёти деб баҳоланди.

**Акбар АЛИЕВ**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## Саъдий Шерозий
### ҲИКМАТЛАР

**Қаро бахт кишилар бахтиёрларнинг**
**Ҳамиша заволин орзу қилади.**
**Шаппарак кундузи кўра олмайди,**
**Хўш, бунда қуёшнинг айби нимади?**
**Мингларча шаппарак кўр бўлса-бўлсин,**
**Қуёш порлай берсин кўкда абадий.**

* * *

**Ўз халқига жавру зулм раво кўрган подшоҳнинг**
**Ўз дўстлари ёв бўлур қийин дам келган куни,**
**Фуқарога шафқат қилсанг, душмандан омондасан,**
**Адолатли шаҳаншоҳнинг халқи бу – ўз қўшини.**

* * *

**Ҳар битта гапнинг ҳам вақти етади,**
**Беҳуда гапирсанг, қадринг кетади.**

* * *

**Гарчи юз йил ўтпараст ўтга хизмат этади,**
**Ўзи ёққан оловга тушса, куйиб кетади.**

* * *

**Ишинг чаппа кетганида дилинг оғриб, чекма ғам,**
**Чунки зулмат ичидадир оби ҳаёт суви ҳам.**

* * *

**Замонага ўпка қилма, юзингни тириштирма,**
**Чидам аччиқ келади-ю, меваси ғоят ширин.**

* * *

**Дарёдан дур йиғасан сиққанича қучоққа,**
**Ё тўлқинлар ўлаксангни улоқтирар қирғоққа.**
**Кўрмадингми, бирор киши улуғ мартаба топса,**
**Хушомадга келадилар таъзим билан қошига.**
**Тойилса-ю, иши чаппа кетар бўлса, қарайсиз,**
**Ҳеч тап тортмай оёқ қўйиб, чиқадилар бошига.**

* * *

**Амиру вазиру подшоҳларнинг**
**Ёнига бесабаб бормаслик керак.**

* * *

**Қутида турганда бурқимайди уд,**
**Сен олов устига уни ташлагил.**
**Улуғлик ниятинг бўлса, сахий бўл,**
**Уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил.**

* * *

**Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,**
**Навкарлари қўпоради дарахтларнинг илдизин.**
**Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,**
**Аскарлари сихга тортур товуқлардан беш юзин.**

* * *

**Султоннинг ризосин топа олмайсан,**
**Токи фуқаронинг кўнглин топмасанг.**
**Худо бандасига яхшилик қилғил,**
**Худо гуноҳимни кечирсин, десанг.**

* * *

**Ҳар кимнинг мансаби, қуввати бордир,**
**Халқ молин емакка қудрати бордир.**
**Каттакон сўнгаклар ҳалқумдан ўтар,**
**Лекин пастга тушиб, қоринни йиртар.**
**Халққа зулм этса ҳар бир ситамкор,**
**Унга қарғиш – лаънат қолур пойдор.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Тақдимот*

# ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИККА УНДАЙДИ

**РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН А.НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ИҚТИДОРЛИ ШОИР АБДУҚАҲҲОР АЛИМБОЕВНИНГ «ДУНЁНИ ГЎЗАЛЛИК ВА МАЪНАВИЯТ ҚУТҚАРАДИ» НОМЛИ ШЕЪРИЙ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда Республика, шаҳар ва туманлар Маънавият тарғибот марказлари ходимлари, «Камолот» ЁИҲ, халқ таълими соҳаси вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Бу шоир А.Алимбоевнинг олтинчи шеърий китоби бўлиб, унда гўзаллик, маънавият, умуминсоний қадриятлар, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги акс этган ёшларни Ватанга муҳаббат, меҳроқибатли, маънавиятли қилиб тарбиялашга йўналтирилган шеърлар ўрин олган. Шоирнинг шеърий китоблари хориж мамлакатларида ҳам чоп этилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан шоирлар, маънавият, таълим соҳаси ходимлари ва мухлислар янги китобнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъаналарга бўлган эътиборини ошириш борасидаги аҳамиятини таъкидлаган ҳолда уни ёшлар орасида кўпроқ тарғиб этиш лозимлиги ҳақидаги фикрни ўртага ташладилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ҒОЛИБЛАР УЮШМАГА АЪЗО БЎЛАДИ

**ПОЙТАХТДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИДА ҲАВАСКОР РАССОМЛАР АСАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТИ КЎРГАЗМАДА ЭНГ САРА АСАР МУАЛЛИФЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИГА АЪЗО БЎЛАДИ.**

Кўргазмада дизайн, керамика, натюрморт, графика каби еттита йўналишда яратилган санъат асарлари намойиш этилмоқда. Ушбу асарлар орасида офорд технологияси асосида яратилган суратлар мухлис ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

— Хоразм тарихий обидаларини офорд технологияси бўйича ишладим, — дейди рассом Назарбек Фурқатов. — Кўргазмада иккита асарим билан қатнашяпман. Офорд технологияси ноёб бўлиб, унинг сири нинада ишланиши ва кислотага солиниб ўйилишида.

Жорий йил Бадиий ижодкорлар уюшмаси ташкил этилганига ўн йил тўлди. Шу вақт ичида уюшма аъзолари сони минг нафардан ошди. Ҳайъат аъзолари кўргазмада намойиш этилаётган асарлари орқали уюшмага аъзо бўлишга лойиқ бўлган эллик нафар рассомни танлаб олишади. Эътиборли томони Бадиий ижодкорлар уюшмасига аъзо бўладиган рассомлар ўз асарларини келгусида хорижий мамлакатлардаги кўргазмаларда ҳам намойиш этиш имконига эга бўлади.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»**

*Спорт янгиликлари*

# МАШҒУЛОТЛАР ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА

**«СПЕШАЛ ОЛИМПИКС» ДАСТУРИ БЎЙИЧА ШАҲРИМИЗДАГИ «МЕТРОҚУРИЛИШ» СТАДИОНИДА 66-ЁРДАМЧИ МАКТАБ 163,168,162,184, 280-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДАН ЖАМЛАНГАН ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ БОШЛАНДИ.**



Бу эса 2008 йили Парижда ўтказиладиган Европа футбол турнири олдидан навбатдаги тайёргарлик босқичи бўлиб, чарм тўп усталаримиз ушбу нуфузли мусобақаларда қатнашишади.

— Бундай машғулотлар ёрдамчи мактаб ўқувчиларига замонавий футбол юкланмаларига, йиғинчоқлик хислатларининг шаклланишига тезроқ мослашиб боришга имкон яратади, — дейди биз билан суҳбатда «Метроқурилиш» стадиони директори, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чилонзор тумани бўлими ходими Турсунбой Абдураимов. — Соғлом болалар билан бирга машғулотларда иштирок этган ҳолда улар футбол майдонида ўзини тутиш қоидаларини, қоидабузарликларга йўл қўймасликни сингдириб борадилар.

Ҳозирда ёш футболчилар учун машғулотлардан сўнг кийиниш хоналари ва бошқа тегишли шарт-шароитларни яратиш устида иш кетмоқда. Бундан ташқари Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кўмагида «Метроқурилиш» стадиони негизида «Спешал олимпикс» спорт марказини бунёд этиш ҳам режалаштирилмоқда. Зеро ақлий ва жисмоний ривожланишида нуқсонлари бор болалар ва катталар учун ҳар томонлама кўмак бериш, уларнинг ўз спорт мажмуалари бўлишига эришиш бугунги кундаги муҳим вазифалар сирасига киради.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: мураббий Рашид Сафариев бошчилигида ёш футболчиларнинг машғулотлари қизғин ўтмоқда.**

**Алексей Попов олган сурат**

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИДАН БИРИДА ПОЙТАХТ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТДИ.**

# «ПАХТАКОР» РЕКОРД ЎРНАТДИ

Пахтакорчилар мазкур турни Зарафшонда «Қизилқум» футболчиларига қарши ўтказди. Мезбонлардан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилган тошкентликлар рақиб дарвозасига ўн битта тўп киритишди. Бу Ўзбекистон чемпионатларидаги энг йирик натижа сифатида қайд этилди.

Учрашувда Зайниддин Тожиев ва нигериялик легионер Ихеруоме Уче учтадан, Ринат Байрамов иккита, Темур Копадзе, Камолиддин Тожиев ва Александр Гейнрих биттадан гол киритди.

Тошкент «дербиси»да эса «Трактор» футболчилари ўз майдонида «Қурувчи»ни қабул қилди. Ўйин мезбонлар учун муваффақиятсиз якунланди. Меҳмонлар «Трактор» посбонини ўз дарвозасидан жавобсиз учта тўп олиб чиқишга мажбур қилишди.

Пойтахтнинг «Локомотив» жамоаси эса ўз мухлислари кўз ўнгида «Андижон» (Андижон) га имкониятни бой берди. Беллашув тақдирини ҳал қилган ягона голга андижонлик Дониёр Ҳамидуллаев муаллифлик қилди.

Йигирма еттинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» (Бекобод) — «Насаф» (Қарши) — 2:1, «Навбаҳор-Наманган» (Наманган) — «Шўртан» (Ғузор) — 2:1, «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) — «Бухоро» (Бухоро) 2:1, «Машъал» (Муборак) — «Тўпаланг» (Сариосиё) — 3:0, «Вобкент» (Вобкент) — «Нефтчи» (Фарғона) —1:4.

Мусобақа жадвалида 75 очко жамғарган «Пахтакор» футболчилари етакчилик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Қурувчи» эса пешқадамдан етти очко ортда қолмоқда. 63 очко тўплаган «Машъал» ҳам совринли ўринларни эгаллашга яқин турибди.

Сўнгги поғоналарни эгаллаб турган «Металлург» ва «Вобкент» олий лигада қолиш учун курашни давом эттирмоқда.

# СОВРИН КИМГА ТЕГАДИ?

**МАЛАЙЗИЯНИНГ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) РАҲБАРИЯТИ 2007 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎН БИР НОМИНАЦИЯ БЎЙИЧА НОМЗОДЛАРНИНГ ЯКУНИЙ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. ФАҚАТГИНА ҒОЛИБЛИККА АСОСИЙ ДАЪВОГАРЛАР НОМИ КЎРСАТИЛГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ РЎЙХАТИДА ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ҲАМ БОР.**

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийси Рауф Инилеев «Йилнинг энг яхши мураббийси» соврини учун асосий даъвогар ҳисобланади. ОФК раҳбарияти ва мутахассислари тажрибали мураббийимизнинг Ўзбекистон миллий терма жамоасидаги фаолиятини юқори баҳоламоқда.

Рауф Инилеев шогирдлари 2007 йилда кўплаб расмий учрашувларда муваффақиятли тўп сурди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг жорий йилнинг 7-29 июль кунлари Таиланд, Малайзия, Вьетнам ва Индонезия мамлакатларида ўтказилган Осиё чемпионатида кўрсатган мазмунли ўйини кўплаб мухлису мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, мамлакатимиз бош жамоаси 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида бўладиган жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичида Хитой Тайпейини икки учрашувда 9:0 ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, тўғридан-тўғри учинчи босқичга йўлланма олди.

Бу кўрсаткичлар Рауф Инилеевга «Йилнинг энг яхши мураббийси» номинацияси бўйича рақобатчилари — Эрон миллий терма жамоаси собиқ бош мураббийси Амир Галеноий ва Жанубий Кореянинг «Сеонгам Илва Чунма» клуби устози Хак Бум Кимни ортда қолдиришида анча қўл келиши мумкин.

Шунингдек, ўзбекистонлик футзалчилар кўрсатаётган ўйин ва улар қўлга киритаётган натижалар ҳам ОФК мутасаддиларини бефарқ қолдирмади. Унга кўра, футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Эрон ва Япония билан бирга «Йилнинг энг яхши футзал терма жамоаси» совринига номзодликка танлаб олинди.

Эслатиб ўтамиз, яқинда футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Макаода ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги II Осиё ўйинларида учинчи ўринни эгаллади.

**Боҳир БЕК**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2007 ЙИЛ 8 НОЯБРДАГИ 543-Ф СОНЛИ ФАРМОЙИШИГА КЎРА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ШАҲРИМИЗДА ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН ВА ТАЪМИРЛАНАЁТГАН МАСКАНЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛСАК, ЁНҒИН ЧИҚИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ВА ЮРТ БОЙЛИГИНИ АСРАБ ҚОЛГАН БЎЛАМИЗ.**

Кейинги пайтларда бунёд этилаётган айрим иншоотларда хавфсизлик қоидаларига етарли эътибор қилмаслик туфайли ёнғинлар содир бўлаётганини қайд этиш ўринли. Шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин содир бўлса дарҳол «01» рақамли телефонга қўнғироқ қилиб хабар беришни, манзилни тўлиқ ва тўғри айтишни унутманг.

Қуйида эса қурилиш майдончаларида ёнғинлар чиқишининг олдини олиш мақсадида ушбу хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозимлигини эслатиб ўтамиз:

— қурилиш майдонларини ёнувчи чиқиндилардан ҳар доим тозаланг;

— қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланманг;

— электр тармоғи сақлагичларига қўлбола симлар ўрнатманг;

— очиқ олов ёқилишига йўл қўйманг;

— вагонда, таъқиқланган жойларда тамаки чекманг;

— вагондан чиқаётганингизда электр тармоқларини ўчиринг;

— кислород баллонлари, бўёқлар, карбид, тахта материаллари бирга сақланмаслигига эътибор қаратинг;

— қурилиш майдонларини ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланг;

— электр-газ пайвандлаш ишлари пайтида ёнғиндан сақлаш постларини қўйинг.

**Жалол АСҚАРОВ,**
**Миробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, майор**

# «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН САҚЛАНИНГ

**КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. У ЭНГ ҚУЛАЙ ЁҚИЛҒИ СИФАТИДА ТУРМУШИМИЗДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИ. АНА ШУ ЁҚИЛҒИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ, ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.**

Хавфсизлик қоидалари эса қуйидагилардан иборат. Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Турар жой биноси томларида хашак, ўтин ва бошқа тез ёнувчи нарсалар сақлаш қатъий тақиқланади.

Оловни «тилсиз ёв», дейдилар. Хонадонларда, жамоат жойларида ёнғинга қарши барча эҳтиёт чоралари кўриб қўйилиши зарур. Бунда ёнғин хавфсизлиги ходимлари маслаҳати ва кўмагига таяниш фойдалидир. Шундагина биз кўнгилсиз ҳодиса юз бериши, оила ва давлатнинг моддий зарар кўришига барҳам берган бўламиз.

**Рашит НИЁЗОВ,**
**12-ХЁХО инспектори, катта сержант**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти раҳбарияти №1 сонли талабалар турар жойини тўлиқ капитал таъмирлаш учун

**ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-А уй, Хўжалик бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел: 262-89-72, 262-03-28.

**Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!**
**«UZBEKTELECOM» АК**
**«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ**

*2007 йил 1 декабргача ариза топширган қуйидаги ҳудудлар аҳолисини шартнома асосида телефон ўрнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга таклиф этади:*

*— Собир Раҳимов тумани, Себзор 17/18 даҳаси, 2, 4, 16, 17, 18, 19, 20, 21 уйларда яшовчи аҳоли;*

*— Собир Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси, 1, 2, 3, 3-а, б, 4, 4-а, б, 5-а, б, в, 6, 7, 8, 9-а, б, в, 10-а, б, в, г, д, 11-а, б уйларда яшовчи аҳолини.*

*Телефонларни ўрнатишни расмийлаштириш Ўрозбоев кўчаси, 21, 229-АТС манзилида жойлашган Собир Раҳимов телефон узелининг «Меркетинг ва мижозлар билан ишлаш бўлими»да амалга оширилади. Бўлимнинг иш вақти соат 8.00 дан 18.00 гача, шанба кунлари 15.00 гача.*

*Телефонни ўрнатиш билан бирга Сиз АОН, парол бўйича халқаро алоқа, чақириқни бошқа манзилга ўтказиш, будильник ҳамда бошқа қўшимча хизмат турларини ҳам расмийлаштиришингиз мумкин.*

*Маълумотлар учун телефон: 227-87-07*

***Собир Раҳимов телефон узели маъмурияти***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6 5

Топширилган вақти: 13:45